



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 20 март, № 58 (8681)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МЕҲРУ МУРУВВАТГА ЙЎҒРИЛГАН НАВРЎЗ ШУКУҒИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 март куни Тошкент шаҳридаги саноат ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти, маҳалладаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди, баҳорги дарахт экиш тадбирида иштирок этди.



Дастлабки манзил Куюв-механика заводи бўлди.

Қирк гектардан зиёд майдонли бу завод бир пайтлар тўлиқ ишламай, паст рентабелли бўлиб қолган эди. Шу боис “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфига ўтказилиб, 2013 йилда модернизацция қилинди. Сўнгги йилларда маҳаллийлаштириш жадал кенгайиб, унинг иқтисодий самарадорлиги янада ошди.

Бугун мажмуа йилига 1 минг 200 та юк вағони ишлаб чиқариш ва 1 минг 500 тасини таъмирлаш қувватига эга барқарор корхона.

Вагонлар таркиби ҳам талабгир. Жумладан, яримочик, усти ёпиқ, узун базали ҳамда дон, цемент, минерал ўғит ташишга мўлжалланган 6 турдаги юк вагонлари ишлаб чиқарилмоқда.

Металл куйиш оғир саноатнинг энг муҳим тармоғи, таъбир жоиз бўлса, “юраги” ҳисобланади. Бу ерда 120 миллион доллар ҳисобига куюв цехи барпо этилган. У йилига 26 минг

тонна маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган. Бу ерда темир йўллар эксплуатацияси ва ҳаракат таркибида ишлатиладиган барча турдаги эҳтиёт қисмлар куйилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди. — Бугунги кундаги энг катта мақсадимиз — кўпроқ иш ўринлари яратиш. Масалан, бу йил мамлакатимизда 100 мингта уй қурмоқчимиз. Улар қачон одамларга маъқул бўлади? Енида иш ўрни билан бўлса. Шунинг учун, худди томорқаларда бўлаётганидек, кўп қаватли уйлар бўйича ҳам маҳаллаларда иқтисодий лойиҳалар қилинади. Қайси хонадонда ишсиз бўлса, бандлигига кўмаклашилади. Бунда мана шундай заводлар муҳим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис мажмуада шаҳарсозлик, коммунал ва бошқа тармоқлар учун ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бу имкониятлар билан тадбиркорларни таништириб, бююртмаларни кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бу, ўз навбатида, турдош тармоқларда ҳам

иш ўринлари очилишига туртки беради.

Заводда юк вагонлари қуриш, механика йиғув, ғилдирак йиғув, куюв, таъмирлаш, темирчилик ва пресслаш, тайёрлов ва комплекташ каби 26 та цех бор. Президентимиз мажмуа бўйлаб юриб, улардаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Корхонада 2018 — 2023 йилларда маҳаллийлаштириш дастури бўйича 100 га яқин турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. 2023 йилда жами 267 миллион доллар маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, 10 миллион долларлик 170 та вагон ва эҳтиёт қисмлар экспорт қилинган. Жорий йилда экспорт ҳажми 15 миллион долларга етказиш бўйича шартномалар имзоланган.

Корхонада халқаро стандартларга мувофиқ ISO 9001 сифат менежменти ва ISO 50001 энергетика менежменти тизими жорий этилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Сергели туманида

ташқил этилаётган Ёшлар боғига кўчат ўтказди.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2021 йилдан буён “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида Тошкентнинг “яшил белбоғи” ташқил этилмоқда. Ёшлар боғи шу ҳалқанинг муҳим бўғини бўлади.

Давлатимиз раҳбарига боғ лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Унинг майдони 75 гектардан зиёд бўлиб, худуди жиҳатидан пойтахтимизда “Янги Ўзбекистон” боғидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Боғ еттига катта худудга бўлинади. Марказий хиёбонда турли майдонлар, минг ўринли очик амфитеатр, миллий ва халқаро гастрономик зоналар барпо этилади.

Очиқ ҳавода овқатланиш ва қизиқарли машғулотлар учун алоҳида жойлар бўлади. Мусликий фавворалар, очик осмон остидаги кинотеатр, санъат кўргазмалари ва лазер-шоу имкониятлари яратилади.

Болалар учун спорт ва ўйин майдонлари, машҳур эртақлардаги қишлоқлар, устахона, кутубхона ташқил этилади. Сунъий кўл, каноэ ва сузиш ҳавзаси, балиқ ови дам олувчиларга хузурубаш бўлади.

Шу кун Тошкент шаҳри жамоатчилик, давлат ташқилотлари ва дипломатик корпус вакиллари, ёшлар иштирокида боққа кўчатлар экилди.

Президент боғ лойиҳасида қатнашаётган инвестор ва лойиҳачилар, чет эллик дипломатлар билан мулоқот қилди.

— Халқимиз қаерда бўлса, дарахт экишга интилган. Амир Темур Самарқанд атрофида сўлим боғлар барпо этган, бошқа шаҳарларни ҳам обод қилган. Буюк болаларимизга маъносиз бўлиб, бу ишларни қиялпимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари боққа келган юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларни Наврўз билан табриклади. Боққа биринчи босқичда минг тупдан зиёд каштан, эман, Шарк чинори, қизил куртак, магнолия, гуҷум каби манзарали дарахтлар ҳамда бутта ва гуллар экилади. Лойиҳа якунига қадар уларнинг сони 20 минг тупга етади.

Яна бир эътиборли томони, бу боғда табиийлик, ўрмон шакли, экзотик манзара ҳосил қилинади. Боғ фойдаланишига топширилиши билан 350 тадан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Айни кунларда ҳам худудларда кўчатлар экилмоқда. Умуман, юртимизда 347 гектар майдонда “яшил худуд”, 187 та вазиралик ва ҳокимлик боғлари барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводини бориб кўрди.

Мамлакатимизда темир йўл транспортни ривожланиб, қатновлар сони кўпаймоқда. Бу вагонларга бўлган талабни ҳам оширади. Мазкур заводда 16 турдаги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилади ва таъмирланади.

Ўтган йили корхонада 32 та йўловчи вағони тайёрланиб, 319 таси таъмирланган. Муҳими, кооперация орқали эҳтиёт қисмларнинг 70 фоизи маҳаллийлаштирилган.

Умуман, аввалги йилларда 300 дан зиёд йўловчи ва техник хизмат вагонлари ишлаб чиқарилиб, 50 дан ошгани экспортга юборилган. Бундан ташқари, 112 та метрополитен вағони модернизация қилинган.

Улар 28 йил давомида фойдаланишга мўлжалланган ва халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради, йўловчилар учун ҳар томонлама қулай, юқори сифат ва хавфсизликка эга.

Вагонларда иситиш ва совитиш тизимлари, ҳаво айланиши янада яхшиланган. Сув иситиш ускунаси ҳам электр энергиясида, ҳам кўмирда ишлашга мўлжалланган. Йўловчиларни тоза ва салқин ичимлик суви билан таъминлаш, телефон қувватини тўлдирish учун махсус мосламалар ўрнатилган. Бу ерда 619 нафар муҳандис-ишчи меҳнат қилмоқда.

Президентимиз вагонларга чиқиб кўрди. Уларнинг дизайнини ўзгартириш, йўловчиларга қулайликларни ошириш зарурлигини таъкидлади. Электр поездлар тармоғини кенгайтириб, аҳоли кўп туманларга олиб бориш, соҳанинг алоҳида генерация қувватларини ташқил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йилда яна юзлаб вагонларни қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, кон-металлургия корхоналари учун махсус вагонлар қуриш, кенг купели янги турларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шу ерда заводда режалаштирилган янги йўналиш — электр ва метрополитен поездлари лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, Тошкент — Хива йўналишига қўйиладиган тезюрак поезд ҳақида ахборот берилди. Президентимиз бу ҳақда 2022 йилда Хоразмда Жалололдин Манғуберди ҳайкалининг очилиш маросимида айтган эди. Бу учун Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори тезликдаги электропоезд олиб келиниши мўлжалланган. 7 вагонга эга электропоезд 351 ўриндиқка эга бўлади. Соатига 250 километр тезликда ҳаракатлана олади.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Дилбулоқ маҳалласига бу йилги Наврўз янада кўтаринчилик билан келди. Давлат-хусусий шериклик асосида замонавий маҳалла идораси қурилди. Кўп қаватли уйлар йўлаги ва ички кўчалар, ертўлар таъмирланди. Анҳор бўйи тартибга келтирилиб, обод сайилгоҳга айлантирилди. Ишқомлар, ниҳоллар, пидедалар йўлакларни маҳаллага кўрк бағишлади.

Ўтган йили кўзда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 4 минг туп дарахт ва бутта кўчати ўтказилган эди. Шу кунларда кўп қаватли уйлар олдидаги майдонларга райхон, намозшомгул каби гуллар экилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЗАЙНИДДИН НИЗОМХЎЖАЕВ ФАҲРИЙ УНВОН БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармониغا мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомхўжаев давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда миллий сайлов тизimini умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида тақомиллаштириш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга

ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасидаги катта хизматлари, юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Зайниддин Низомхўжаевга ушбу юксак унвон ва кўкрак нишонини топширди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор З. Низомхўжаев узок йиллар қатор масъул лавозимларда фидокорона меҳнат қилган. У 2014 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотланган.

Ў.А.

ТЎҚСОН ЁШДА ЭЪЗОЗ ТОПДИМ



Янги Ўзбекистоннинг кекса фуқароси сифатида ҳаётимизнинг тобора гўзаллашиб бораётганидан, отахонлар, онахонлару опа-сингиллар, навқирон ва шижоатли ўғил-қизлар, кўйинги, шу муқаддас заминга киндик қони томган инсон борки, ҳаммаси эъзозу эҳтиромда эканидан доим бошим кўкка етади. Бинобарин, бугун биз янгиланаётган, ёшараётган ва ривожланаётган юртимиздаги барча ижобий ўзгаришлар, изчил ислохотлар замирида инсон қадрини улуғлашдек хайрли аъмол муҳассам эканини юрак-юрақдан ҳис қилиб яшапмиз.

Миннатдорлик

Тўқсон йиллик умрим давомида қанчадан-қанча довларни ошиб ўтдим. Халқимизнинг инсон қадри топталган даврларда ўқиб яша-

ганига гувоҳ бўлганман. Ўзим ҳам шундай сабоқларни бошимдан ўтказганим, яхши ва ёруғ кунлар келишига умид билан яшаганим бугунги дориламон кунларда кўз ўнгимдан ўтмоқда. Гап юртимизда инсон қадри улуғланаётгани ҳақида кетар экан, буни мен бугун янада яққол ҳис этяпман.

Туйғу

НАВРЎЗ ҚЎШИҒИ

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Фалак бизни балолардан асрадим?
Юлдузлардан бойчечаклар сачрадим?
Бир кўртатка алмашдим бор ҳасратимни,
Олам эски, лекин ўнгу сўлим янги.

Эй сариқ барг, қулоғимда насихатинг,
Бу йил энди менинг гулзор, гулим янги.

Ҳар кўнгулга бир янги куй, қўшиқ берсин,
Имон, инсоф, диёнатни қўшиб берсин.
Ҳар бир уйга энг аввал бир бешик берсин,
Ҳеч бир уйга кўрсатмасин ўлим янги.

Осмон бўлди бир кечада ҳорғин бағрим,
Тўй бошлади чақинларим, ёмғирларим,
Гўё ҳозир япроқ ёзар томирларим,
Гўё эски қалам тутган қўлим янги.

Ойларга ҳам алишмасан юзларини,
Қаранг Кўқон, қаранг Сурхон қизларини.
Зулфларини райҳонларнинг исларини
Олиб келган экинларим, елим янги.

Эй кўҳна боғ, кўндир чеккан азиятинг,
Қуриган шох, дилда сенинг васиятинг,

Бормоқдасиз гарчи Ҳинду Хитойларга,
Умид айланг ўз ерингиз, Худойларга,
Уйларингиз тўлсин бу йил бугдойларга,
Гимирлаган элим, даштун чўлим янги.

Лолалардан гар айтмадим, қир айтади,
Қолганларин само айтар, ер айтади.
Кўнгулим очсам, ҳар гийёх бир шеър айтади,
Ростин айтсам, кўксимдаги дилим янги.

МЕҲРУ МУРУВВАТГА ЙЎҒРИЛГАН НАВРЎ ШУКУҒИ

Дилбулоқ маҳалласида 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалла хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Уч юзга яқин савдо, саноат ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда. Мақтабга таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, ихтисослаштирилган спорт мактаби, педагогика институти филиали фаолият юритмоқда.

“Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ҳудудга 360 та видеокузатув мосламаси ўрнатилган, улар маҳалла профилактика инспектори хизмат хонасига уланган.

Ўтган йили 112 киши ишга жойлаштирилиб, 181 нафар ўзини ўзи банд қилган. Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш учун 23 та лойиҳага кредит ва ўнга яқин фуқароларга субсидия ажратилган. Хусусан, бу ерда тикувчилик цехи, гўзаллик салони, полиграфия ва компьютер хизматлари, кутубхона, озиқ-овқат ва қандолат дўконлари ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуаларни кўздан кечирди, маҳалла аҳли билан самимий суҳбатлашди.

— Аввало, сизларни улуг айём кун-

лари, келаётган Наврўз билан табриклайман. Маҳаллангиздаги ободликни, иш жойларини, байрам нафасини кўриб, хурсанд бўлдим. Нима учун ҳудудларда кўп юраман? Чунки мен одамларга ишонаман. Ҳамма маҳалларни шундай ўзгартиришга ҳаракат қилишимиз керак. Мамлакатимизда 9 минг 450 та, Тошкентда 585 та маҳалла бор. Хозир уларга иқтисодий комплекс ташкилотларини бириктирадиган тизим қиялган. Мақсадимиз — ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга етиб бориш. Халқнинг розилиги, дуоларига муносиб бўлиш ҳаммамизга насиб этсин, — деди Президент.

Шу борадаги манзилли чора-тадбирлар “маҳалла еттилиги” ва мутасаддилар билан мулоқотда муҳокама қилинди.

— Хабарингиз бор, иқтисодий комплекс ташкилотларини маҳаллаларга бириктирялди. Бунда банкларнинг ҳам ўрни бор. Улар орқали туманлардаги корхоналарга қўшимча шaroит яратиш, энгил кредитлар бериш, яна иш ўринлари очилишни қўллаб-қувватлаш керак. Энди маҳаллалар ҳам замонга муносиб, ҳаракатчан бўлиши лозим. Умуман, иш-

лайман деган одамга шaroит яратиш беришимиз шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддилар иқтисодий комплекс фаолиятини маҳаллаларда ташкил этиш, шаҳар шaroитида одамларни иш билан таъминлаш вазифалари тўғрисида ахборот берди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ногиронлиги бўлган болалар учун 1-сонли “Мурувват” интернет уйини божиб кўрди.

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Бу халқимизнинг азалий қадриятларига, бугунги инсонни кадрлаш тамойилига мос. Сўнгги беш йилда “Мурувват” уйларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 3 борбардан зиёд ошган. Улардаги ҳодимлар ва ўринлар сони ҳам кўпайтирилган.

Аҳолига сифатли хизмат ва ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилган эди. Пансионат, реабилитация маркази каби кўплаб ижтимоий муассасалар қатори “Мурувват” уйлари ҳам ушбу агентлик тизимига ўтказилди.

Ўтган йили бундай муассасалар учун Давлат бюджетидан 624 мил-

лиард сўм ажратилди. Шунингдек, уларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун аввалгига қараганда икки баробардан ортиқ маблағ берилмоқда.

Илгари “Мурувват” уйлари ўртасида ҳамкорлик бўлмаган. Ҳозир улар ўзаро фикр алмашиб, самарали усуллари, таълимдаги тажрибаларни татбиқ этмоқда.

Давлат гамхўрлиги натижасида Тошкентдаги ушбу “Мурувват” уйи ҳам янги қиёфага кирди. Қўшимча бино қурилиб, эски бинолар капитал таъмирланди. Ўзги спорт зали, ногиронлиги борларни парваришлаш ва жисмоний даволлаш бўлимлари, тиббиёт ва машғулот хоналари, фаоллар зали, кутубхона, ётоқхона ва ошхона бутунлай янгиланди. Ҳар бир бўлим, махсус хоналар талаб даражасида жиҳозланди. Ҳаракатланиши қийин болалар махсус аравачалар билан таъминланди.

Муассасада руҳиятида сезиларли нуқсон бор 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилади. Бугунги кунда 299 нафар ўғил-қиз вазийликлари олинган. Уларга 334 нафар ходим, жумладан, малакали педагог, дефекто-

лог ва шифокорлар ёрдамлашмоқда. Шавкат Мирзиёев болаларнинг машғулотларини бирма-бир кузатди. Улар билан суҳбатлашиб, меҳрини изхор қилди. Шароитларни яхшилаб, қулайликлар яратиш, ногиронлиги борларнинг иложи борица ҳаётда ўрин топишига кўмак кўрсатилишини айтди.

Президентимиз бунда ижтимоий хизмат ҳодимлари ишини эътироф этиб, болаларга меҳр-муруввати учун миннатдорлик билдирди.

— Болаларимизга яхши қараётганингиз учун катта раҳмат сизларга. Бу оғир меҳнат, лекин жуда савобли ва керакли меҳнат, — деди давлат раҳбари.

Болаларни имкон қадар реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштириш, ота-оналарга психологик ёрдам бериш масалалари бўйича фикр алмашилди. Сўнгги йилларда имконият ва тизим пайдо бўлгани, бошқа ижтимоий муассасалардаги шароитларни ҳам яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Эндиликда “Мурувват” уйлари замонавий реабилитация жиҳозлари билан таъминланиб, ўз ишини янги концепция асосида йўлга қўяди. Унга

кўра, болалар индивидуал ривожланиш дастурлари асосида жамиятга интеграция қилинади. Барча “Мурувват” уйларида учрашув хоналари ташкил этилди.

Шунингдек, “Қўллаб-қувватлаш клублари” тузилиб, малакали мутахассислар вазифаларга ногиронлиги бўлган болани парваришлаш, оила шaroитида тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш бўйича билимлар беради. Алоҳида таълимга тавсия берилмаган, оғир даражадаги касалликлар мавжуд болалар учун “Гамхўрлик гуруҳи” ташкил этилди. Барча ҳудудий реабилитация марказларида ногиронлиги бўлган болалар учун шундай хизматлар йўлга қўйилди.

Муассасанинг қозонхонаси ва муҳандислик тармоқлари ҳам тўлиқ янгиланган. Худудга манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилиб, ташқи ёритиш чироқлари ўрнатилган, йўлақлар асфальтланган.

Муборак Рамазон ойида беморлар ҳолидан хабар олиш, инсонларга янада меҳр-эътибор кўрсатиш халқимизнинг эзгу қадриятидир.

Зийода ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
Ўза мужбирлари.

«ШОДУ ХУРРАМЛИКДА НИШОНЛАДИК»

Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонасида Наврўз айёми муносабати билан байрам шодибаналари ташкил этилди. “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” шиори остида ўтказилган тадбирларда Хитойда таълим олаётган, меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ватандошлар, ушбу мамлакат маданият ва ОАВ вакиллари ҳамда ўзбек тилини ўрганувчи хитойлик талабалар қатнашди.

Ифтихор

Иштирокчиларга Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, хусусан, ушбу байрам билан боғлиқ аъёнлар ҳақида маълумот берилди, шунингдек, мазкур айём халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, ардоқли байрам саналиши таъкидланди. Тантанали маросим давомида ватандошлар ўртасида футбол бўйича мусобақа ўтказилди, ўзбек миллий маданияти аъёнлари намойиш қилиниб, болалар учун алоҳида танловлар ва аъёнвий уйинлар ташкил этилди.

Мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг бугунги ривожига ҳақида айтиб ўтилди.

Истеъдодли хонанда, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ширин Абдулаева ижросидаги ўзбек куй-қўшиқлари барчага байрамона кайфият улашди.

Шунингдек, меҳмонлар учун байрамона дастурхон ёзилиб, ўзбек миллий таомлари тортилди.

Бехрузбек АБДУНОДИРОВ, Пекин технологиялар университети талабаси:



— Мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган Наврўз байрамини ватандошларимиз билан шоду хуррамликда ва юқори кайфиятда ўтказдик.

Айтиш жоизки, биз элчихонамиз томонидан миллий байрамларимиз ва муҳим саналарга бағишлаб уюштирилётган барча тадбирларда фаол иштирок этамиз.

Аъёнага кўра, ватандошлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Шунингдек, миллий куй-қўшиқларимизни тингладик, палов, сомса ва бошқа таомларимиздан баҳраманд бўлдик. Миллий таомларимизнинг бетақорр таъми хитойлик дўстларимизни ҳам лол қолдирди.

Болажонлар томонидан намойиш этилган қадимий уйинларимиз байрамга ўзига хос кўрк бағишлади.

Ватандан йироқда бўлишимизга қарамай қадимий аъёнларимиз билан ҳамнафас бўлиш бизга мамнуният бағишлади.

Муҳаммаджон РАИМОВ, Марказий миллатлар университети талабаси:



— Бугун биз Хитойда бўлиб турган ватандошлар халқимизнинг азиз байрами — Наврўзи олами биргаликда кенг нишонлаш учун йиғилдик. Байрам жуда кўтаринки руҳда ўтди. Бу ерда биз кўплаб янги дўстлар орттирдик, Ватанимизга оид янгиликлар билан ўртоқлашдик.

Тадбир давомида элчихона томонидан ташкил қилинган футбол бўйича мусобақада қатнашиб, фахрли ўринни кўлга киритдик.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни Наврўз айёми билан муборакбод этаман.

Самандар САБДИЛЛОВЕВ, Шимолий Хитой энергетика университети талабаси:



— Барча ватандошларимизни Наврўзи олам билан самимий табриклайман. Ушбу кутлуг кунни кенг нишонлаш мақсадида Хитойда таълим олаётган ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ватандошлар билан мамлакатимиз элчихонасига йиғилдик.

Биз учун бугунги кун ўзгача кайфиятда ўтди. Чунки ўзимизни яна бир бор она Ватанимизда юргандек ҳис қилдик. Ватандошлар билан мамлакатимиздаги сўнгги янгиликлар, турли соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида фикр алмашдик.

Миллий уйинларимиз, куй-қўшиқларимиз ва таомлардан баҳраманд бўлдик. Байрам тадбирларини юқори даражада ташкил қилгани учун Ўзбекистон элчихонаси ҳодимларига миннатдорлик билдираман.

«Дунё» АА, Пекин

ҚУВОНЧ, НЕКБИНЛИК, ЗАВҚ ВА УМИД САРЧАШМАСИ

Наврўз асрлар қаъридан бизгача етиб келган энг ёрқин ва сержило халқ байрамларидан биридир. Ўзининг ноёб, бетақорр фазилатлари билан эзгулик ва тараққиётга хизмат қилаётган ушбу байрамнинг бекиёс аҳамиятини инобатга олиб, уни юксак ташкилий савияда ўтказиш мақсадида “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ижтимоий сўров

Айни мана шу кутлуг байрам арафасида “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан мамлакат аҳолиси ўртасида “Ўзбекистон фуқаролари Наврўз байрами ҳақида” мавзуда сўров ўтказилди.

18 ва ундан катта ёшдаги барча фуқаро, турли миллат вакиллари иштирок этган ушбу сўровда ўзбекистонликларнинг Наврўз байрамини, Шаар тақвими бўйича Янги йилни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аъёнларга муносабати аниқланди, мамлакатимиз фуқароларининг 21 март арафасидаги кайфияти ўрганилди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, жамоатчилик фикрида Наврўз қувонч, некбинлик, завқ ва умид манбаи эканлиги ҳақидаги тасавуurlар устулик қилмоқда. Аксарият ўзбекистонликларнинг фикрича, ушбу қадимий ҳамда бетақорр байрам бизнинг давримизда инсон ва табиат уйғунлиги байрами, янги ҳаётнинг бошланиши сифатида янада катта аҳамият касб этмоқда. Наврўз халқлар ўртасидаги бирлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳурмат, тинчлик ва тотувиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётир.

Респондентларнинг аксарияти “Сиз учун Наврўз байрами нимани англатади?” деган саволга берган жавоби Наврўз баҳор фасли келишини, табиат ва ернинг уйғунлиши ҳамда янгиликни, инсоннинг табиат билан бирлигини ифодалашини кўрсатди. Бу баҳор ва ёшлик байрами, фаровонлик ҳамда уйғунлиш даражаси, табиатда ҳам, одамлар ҳаётида ҳам эзгуликка бўлган ёрқин оруз-умидлар ва ўзгаришлар рамзидир.

Шунингдек, сўров иштирокчилари ушбу айёмни болалиқдан энг сеvimли байрам сифатида билишади, улар учун Наврўз аъёнвий байрам дастурхонлари, оилавий ва дўстона зиёфатлар, халқ сайиллари, шодлик ҳамда уйин-куллар билан боғлиқ бўлиб, уларда болалар, ёшлар, ерлик ва кекса ёшдаги кишилар бирдек завқ билан қатнашади.

Наврўз байрами мамлакатимизнинг барча минтақасида кенг нишонланади, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ёна-трофидаги кам таъминланганларга ёрдам бериш, ахтиёжманларга қўмақлашни, кексаларга эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, болаларни совғалар ёки ширинликлар билан сийлашни ҳамда эзгу,

бегараз ишлар қилишни ўзининг бурчи, деб билади.

Сўров шуни кўрсатдики, ўзбекистонликларнинг кўпчилиги байрамни уйда, оила даврасида, қариндошлари ва дўстлари билан дастурхон атрофида ўтказиши, шунингдек, Наврўз айёмининг фаол нишонлаш ва халқ сайилларида қатнашини режалаштирмоқда. Болалар билан маданият ва истироҳат боғларига боришни, баҳор табиатидан баҳраманд бўлишни маъқул кўради.

Фуқароларнинг фикрича, Наврўз байрамининг муҳим белгиси, аъёнага кўра, миллий таомлар ва ширинликлардан иборат байрам дастурхони ҳисобланади. Йил давомида мўл-кўнликчи уларни тарқ этмаслиги учун байрам дастурхони таомлар билан тўла бўлиши кераклигига сўров иштирокчиларининг ишончи қомил.

Наврўз байрамининг асосий таоми, бу — сумалак. У эзгулик, ҳамжиҳатлик ва бирликнинг ҳақиқий рамзидир. Ушбу мазали ҳамда кони фойда таомини тайёрлашда бутун маҳалла аҳли иштирок этади, чунки у таомилга кўра бу тадбирнинг барча қатнашчисига омад ҳамда фаровонлик, соғлиқ ва бахт келтиради. Респондентларнинг яримдан кўпи, яъни 57,6 фоизи сумалак тайёрлашда, албатта, иштирок этишини, бу улар учун аждодлар аъёнларига ҳурмат вақо келтириш ва янги, дўстона даврада вақо ўтказиш имконияти эканлигини таъкидлашди.

“Сизга Наврўз байрами нима учун муҳим ва аҳамиятли саналади?” деган саволга жавобларда ўзбекистонликларнинг кўпчилиги бу чўқур рамзий маънога

эга бўлган, илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган, энг қадимий ҳамда чинакам халқ байрами, унинг нишонланиши замонар ва авлодларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди, деб таъкидлашган. Наврўзга бўлган бундай эҳтиромли муносабат фуқароларимизнинг Ўзбекистон тарихига, ўз аждодларининг бой маданияти ва меросига бўлган чўқур ҳурматидан, Наврўз билан боғлиқ урф-одат ҳамда аъёнларини асраб-авайлаш, фарзандларига етказиш истагиндан далолат беради.

Баҳор фасли ва барча учун сеvimли байрамнинг қириб келиши ўзбекистонликлар қалбини оилавий тафти билан илтифат, оила аъёлари ҳамда дўстлари билан мулоқот қилиш қувончини бағишлайди, фуқароларда ижобий кайфиятни шакллантиришга хизмат қилади. Фуқаролар Наврўз ўз хонадонларига бахт ва омад, фаровонлик ва тараққиёт, тинчлик ва тотувилик олиб келишига, режалаштирилган барча иш ҳамда энг дадил ташабусларнинг амалга ошишига умид билдирмоқда.

Умуман олганда, сўров натижалари шуни кўрсатдики, Наврўз мамлакатимиз фуқаролари учун улкан муҷассамлаштирувчи кучга эга, бу қадимий, эзгу байрам яшаш минтақаси, ёши, жинси, миллати ҳамда кекса-коридан қатъи назир, барчага маънан яқин ҳамда ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг қалбига ақд садо беради.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ТЎҒСОН ЁШДА ЭЪЗОЗ ТОПДИМ

Тўғрироғи, узоқ тоғ қишлоғида умргузаронлик қилувчи мендек кекса бир инсонга Президентимизнинг бекиёс эътибори туфайли ҳаж зйёратига боришим учун имтиёзли йўллама тақдим этилиши рости, етти ухлаб тушимга ҳам кирмагани. Муборак ҳаж зйёратига бориш имконияти яратилар экан, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларида менга Президентнинг махсус мэммоний сифатида эҳтиром кўрсатилиши ҳақидаги фикрларни ўқиганимда кўзларимда сеvimн ёшлар халқланди. Чунки бу имтиёз тўқсонга етганимга катта бир туҳфа бўлди.

Тўғри, “Чинор” МФЙ ҳудудидаги қишлоқларни газлаштириш ҳақида “Халқ сўзи” газетасига муурожаат йўлланган эдим. Қувонарлиси шундаки, менинг фикрларим эътиборга олиниб,

газлаштириш ҳаракатлари бошланди. Қишлоғимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимдан қанчалик қувонганимни билсангиз эди. Бу юртимизда аҳолининг ҳар бир муурожаати эътиборда эканлиги ёрқин мисол бўла олади.

Сўзимнинг сўнгига қўлимни дуога очиб айтмоқчиманки, Ўзбекистонимиз доим гуллаб-яшнасин, давлатимиз раҳбари раҳнамолигидан давом этаётган барча эзгу ишларга Аллоҳ маддадор бўлсин! Жонажон юртимизга қириб келган қадимий ва миллий қадриятлар айёми — Наврўзи олам билан диёримиз ахлини чин юракдан муборакбод этаман. Зеро, ҳар бир фуқаро ардоқлардан юрт қудратли ва толеи банд бўлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА САЛОҒИЯТИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда “Offshore Outsourcing Tour” халқаро тадбирининг очилиш маросими ташкил этилди. Ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган миллий ва хорижий компаниялар вакиллари қатнашган тадбирда Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан илгари суриляётган ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, бу орқали иқтисодий-ижтимоий хизматлар сони ва салмоғини кенгайтириш, халқаро илғор тажрибани ўрганган ҳолда янги иш ўринларини яратиш, жаҳонга рақобатбардор дастурчи кадрларни етказиб бериш сиёсати бугун ўз натижасини кўрсатаётгани таъкидланди.

Халқаро анжуман

“Offshore Outsourcing Tour” каби кенг қўламадаги халқаро тадбирнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Бунга қадар мамлакатларнинг IT салоҳиятини намойиш этувчи бундай тадбирлар Япония, Жанубий Корея, Германия, БАА каби давлатларда ўтказилган бўлса, жорий йилда Ўзбекистонда илк бор ташкил қилинмоқда. Йилнинг якунига қадар эса яна икки мартаба ўтказиш кўзда тутилган.

Ушбу тадбир Рақамли технологиялар вазири ва IT-парк томонидан халқаро компанияларга Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари ва аутсорсинг соҳасидаги салоҳияти, шунингдек, мамлакатга сармоя киритиш учун давлат томонидан яратилган имконият ва чора-тадбирларни намойиш этиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилди.

Халқаро тадбирнинг очилиш маросимидан сўнг иккита панель муҳокамаси бўлиб ўтди. Биринчиси, таълим соҳасида истеъдодларни шакллантириш ва инновациялар масалаларига бағишланган бўлса, иккинчиси, мамлакатдаги IT-бизнесининг ўзига хос жиҳатлари ва йўналишларини тавсифлаган ҳолда Ўзбекистондаги аутсорсинг экотизмини тақдим этишни ўз ичига олди.

— “Offshore Outsourcing Tour” тадбирида 32 та давлатдан ташриф буюрган 200 дан ортиқ хо-

рижий меҳмонлар қатнашмоқда, — дейди IT-парк директорининг дастурий махсуслотлар экспорти ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўринбосари Жаҳонгир Ражабов.

— Қувонарлиси, халқаро нуфузи юқори бўлган қатор корхоналарнинг вакиллари бугун Ўзбекистонда ўзининг IT корхонасини очилиш режа қилган. Ушбу тадбир ўтказишдан мақсад жорий йилнинг охирига қадар IT хизматлар соҳасида экспортни янада ошириш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат.

Эслатиб ўтамиз, тадбирнинг иккинчи ва учинчи кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон IT-аутсорсинг бозорини ўрганиш бўйича давра суҳбати билан давом этади. Иштирокчилар соҳа мутахассисларидан Ўзбекистонда компания очиб ва бизнес юритиш жараёнлари тўғрисида маълумот олишлари мумкин бўлади.

Мазкур тадбир халқаро IT-компанияларга Ўзбекистонга сармоя киритиш ва ўз бизнес ташаббуслари учун маҳаллий ресурслардан фойдаланишининг афзалликлари билан танишиш умид имкониятини беради. Айни чоғда IT-парк резидентлари учун янги буюртмалар орқали офис очишга бўлган қизиқишининг ортишига ва экспорт ҳамжининг кўпайишига эсимиз ҳозирлайдим.

Норғиза ЮНУСОВА («Халқ сўзи»).

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИДА ЖАБР КЎРГАНЛАР УЧУН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси томонидан Наврўз умумхалқ байрами арафасида Ишикава префектурасининг Нанао шаҳрида 2024 йил январь ойида Ното яриморли яқинида рўй берган кучли зилзила оқибатида жабр кўрган аҳоли учун хайрия тадбири уюштирилди.

Биз ва жаҳон

Уни ташкил қилишда Нанао халқаро алоқалар маркази ва “YOU-1” нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллари яқиндан кўмак кўрсатди.

Хайрия акцияси Нанао шаҳридаги Ятаго жамияти марказида ўтказилди. Унда зилзиладан энг кўп азият чеккан аҳолининг 112 нафар вакилига икки маҳал дастурхон ёзилди ва ўзбек миллий таоми — палов улашилди. “Ўтўқимачиликсноат” уюшмаси кўмағида “Sam Rafoat Tekstil” ва “Haj Tex Group” фабрикалари томонидан

тақдим қилинган тўқимачилик махсуслотлари Японияга етказилди ва улар эвакуация марказига топширилди.

Япониялик таниқли хонанда Машу Комазакки ва “Гулистон” рақс ансамбли ижросидаги ўзбек миллий куй ва қўшиқлари иштирокчиларга хушқайфият улашди.

Ўзбекистон элчиси Мухсинхўжа Абдурахмонов ва Нанао шаҳри мэри Ёшитака Чатани биргаликда жабрланувчилар ҳолидан хабар олдилар. “Ното яриморли аҳолиси



учун оғир вазиятда ёрдам қўлини чўзган дўст Ўзбекистон халқига чўқур миннатдорлик билди

Семинар

МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК
ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТ
ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЧА ТИЗИМ

Маълумки, Олий Мажлис Сенати томонидан мунтазам равишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўқув семинарлари ва учрашувлар ўтказилиб, уларда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифаларни муҳокама қилиш яхши анъанага айланган.

Худудлардаги сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари ҳамда қотибят мудирлари иштирокида 18 март куни бўлиб ўтган гадаги онлайн мулоқотда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлари манзилли ўрганиш ҳамда самарали назоратни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Семинарни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нурбоева олиб борди.

Тадбирда Президентимизнинг шу йил 2 февралдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар фаолиятида учраётган айрим муаммолари масалалар кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижроси устидан самарали назорат ўрнатилиш масалаларига етарли эътибор қаратилмаётгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Сенат Раиси маҳаллий Кенгашлар томонидан худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ва лойиҳалар ижроси устидан самарали назоратни амалга ошириш масаласига алоҳида урғу қаратди. Аниқ чоғда уларни бажаришда яқиндан кўмаклашиш бўйича ишлаб чиқилган механизм асосида фаолиятни

ташкил этиш, бунда Кенгаш, унинг қотибияти доимий комиссиялари ҳамда депутатлар олдигаги вазифалар нималардан иборат эканлиги ҳам тушунириб ўтилди.

Мазкур тизим асосида эндиликда Президент ҳужжатларида, Ҳукумат қарорларида, тегишли "йўл хариталари"да ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар, амалга ошириладиган лойиҳалар манзилли бириктирилади. Депутатлар томонидан ушбу вазифалар ижроси устидан назорат ўрнатилиши билан бирга, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида ижро ҳокимиятига амалий ёрдам кўрсатилади.

Бу йўналишда бажарилган ишлар ҳар чорак якуни бўйича туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борилади. Жойлардаги муаммоларни "маҳалла еттичилиги" билан биргаликда "туман — вилоят — республика" даражасида кўтариб чиқиш ва ҳал этиш тизими йўлга қўйилади.

Конструктив рўнда ўтган учрашувларда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан самарали депутатлик назоратини йўлга қўйиш масалалари юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбир якунида янги тизим бўйича ишларни ўзаро ҳамкорликда ташкил этишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

НОҲАҚ ЖАВОБГАРЛИККА
ТОРТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида "Қурул тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 220-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун

Таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган профилактик ишларга қарамадан ўқотар бўлмаган, яъни пневматик қуролга ноқонуний эгалик қилиш, уйда сақлаш, кўча-кўйда олиб юриш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги кунда ҳам кузатилаётган. Шу ва бошқа ҳолатлар мавжуд қонунчиликни тақомиллаштириш заруратини юзга келтирди.

Сенаторларнинг сўзларига кўра, амалдаги қонунчиликда пневматик ва шунга ўхшаш бошқа қуролларни ўз ихтиёри билан ички ишлар органларида топширган шахс жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилмагани ҳам бундай қуролларнинг ихтиёрий топширилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Амалдаги қонунчиликка биноан, фуқаро ўз ихтиёри билан пневматик қуролни олиб келиб топширса ҳам ушбу қурол мусодара қилиниб, фуқароларга базавий ҳисоблаш

миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз баравари, мансабдор шахсларга эса йигирма беш бараваридан эллик бараваригача даражада жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлиши мумкин. Жиноят кодексининг 248-моддасида эса жамоат хавфсизлиги даражаси анча оқориқор бўлган ўқотар қуролни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилиниши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, сенаторлар қонуннинг маъқулланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада ишончли химоя қилинишини таъминлашга, жамоат тартибини сақлаш ва ўқотар бўлмаган қуролларнинг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар самардорлигини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтилди.

«Халқ сўзи».

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

Халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, айниқса, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали оилалар фаровонлигини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида бу борада қатъий чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар одамларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, инсон қадрини улуғлаш, аҳолиимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кўчи иқтисодийёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир.



Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан икки йиллик имтиёзли давр билан беш йил муддатга йиллик 14 фоиз ставкада жами 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдорда кредит ресурслари ажратилиши белгиланди. Бу шундан далолат берадики, эндиликда опа-сингилларимиз бирон-бир касб-хўнар эгаси бўлиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши мумкин. Демак, уларнинг ҳам оилада, ҳам жамиятда фаоллиги янада ошади.

Савдо-саноат палатаси, Халқ банки АТБ, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ва "Микрокредитбанк" АТБда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тизими яратилиши кўзда тутилгани аҳамиятли жиҳатлардан биридир. Бинобарин, ушбу тизим орқали хотин-қизларга бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, маҳалларда уларни тадбиркорликка ўқитиш ҳамда тадбиркорлигини бошлаган опа-сингилларимизнинг махсулотларини сотишга амалий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида кузатиб борилади ва улар билан доимий мулоқотда бўлиши таъминланади. Эътиборли томони, эндиликда юқоридagi банклар аввалгидек,

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг ушбу қарори қўллаб-қувватлаш ҳаёти янада яхшилаш баробарида оила даромади ошишига ҳамда оила фаровонлигининг барқарорлигига хизмат қилади. Шу билан бирга, опа-сингилларимизнинг мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётида, қолаверса, жамиятда янада фаол ва ташаббускор бўлишини таъминлайди.

қатъий имтиёзли кредитни бериш ва унинг банкка қайтиши билан чекланмасдан, балки ажратилган сармоянинг натижадор бўлиши учун барча жараёнда масъул ҳисобланади.

Қарорда, биринчи навбатда, "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" ва "темир дафтар"га киритилган ишчи хотин-қизлар эътиборга олиниши лозимлиги белгилаб қўйилди. Ушбу жараён тўлақонли ишлаши учун эса, албатта, аниқ режа ва таклифлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу боис ҳужжатда ушбу масала юзасидан тегишли соҳа вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига топшириқлар белгилаб берилди. Ўз навбатида, қарор ижросини таъминлашда тегишли масъуллар қаторида хотин-қизлар фаоллари ҳам жонбозлик қўйиши мумкин аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир амалий иш биргаликда, ҳамжиҳатликда бажарилса, қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳат. Айни пайтда Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Сенат Раиси бошчилигида махсус комиссия тuzилиб, ҳар ой якунида ушбу йўналишдаги ишларнинг натижалари бўйича муҳокама қилиб ўтказиб борилади.

Зухра ИБРАГИМОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

Муносабат

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда юртимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи бўйича жадал саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилаётган.

Илгари, аниқроқ айтадиган бўлсак, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бу турдаги бизнес ривожланиши орқали мамлакатда тараққиёт бўлишини тасаввур ҳам қилолмас эдик. Сўнгги йилларда эса кичик ва ўрта бизнесини бошлаётган юртдошларимизнинг сафи кун сайин сезиларли даражада кенгайиб бормоқдаки, буни шубҳасиз, тизимли ислохотлар натижаси, дейиш мумкин.

Рақамларга эътибор қаратсак. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган 485 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларида кичик бизнес субъектлари 41 780 тани ташкил этмоқда. Барча соҳада тадбиркорлар сони ва фаолият доираси кенгайиб, уларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссаси тобора

ортиб бораётгани аҳамиятлидир. Энг асосийси, қўллаб-қувватлашнинг бандлиги таъминланиб, оилаларнинг фаровонлиги яхшиланяпти. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, тадбиркорлик соҳасида опа-сингилларимизнинг сафи кун сайин кенгайиб бораётгани диққатга сазовор.

Биламизки, бугун аёл нафақат меҳрибон она, балки жамиятнинг фаол иштирокчиси ва ташаббускорлиги сифатида ҳам ўзини намойён қилмоқда. Айниқса, юртимизнинг энг чекка тумани, энг чекка маҳалласида ҳам ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизларимизнинг борлиги қувонарли, албатта. Мухими, уларнинг касб-хўнари, тадбиркор бўлишига кўмаклашиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборидадир.

Шу боис сўнгги йилларда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. Очингани айтиш керак, бир пайтлар оғир вазиятга тушиб қолган, айни пайтда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган жуда қўллаб-қувватлашнинг имконияти чекланган аёл-қизларимиз нафақат ўз ҳаётини ижобий томонга ўзгартирдилар, балки турмуш синовлари қурушда қолган бир қанча аёлларни ҳам иш билан таъминлашга эришди. Бу борада Президентимизнинг Фармон ва қарорлари асосида ажратилган имтиёзли кредитлар, албатта, ўз натижаларини берди, десак, аниқ ҳақиқат.

Сенатор ва ҳаёт

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Одиложон Иминов ҳамда сенатор Манзура Салимова бошчилигидаги ишчи гуруҳ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорларининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганди.

Маълумки, Республика иқтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти филиали ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида оналик ва болалик масалалари бўйича штаблар фаолияти йўлга қўйилган.

Ишчи гуруҳ томонидан мазкур штаблар фаолияти таҳлил қилинди. Ҳомиладорлар ва туғиш ёшдаги аёллар саломатлигида юз берадиган оғир асоратли ҳолатларда юқори малакали ҳамда оператив иқтисослаштирилган тиббий ёрдамни кўрсатиш, мураккаб вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш, самарали мониторинг ва назорат усулларининг мутлақо янги механизмларини жорий қилиш штабнинг устувор вазифаларидан эканлиги айтиб ўтилди.

Бугун Самарқанд вилояти бўйича 1 млн. 64 мингдан зиёд туғиш ёшдаги аёллар бўлиб, улардан 2024 йилнинг

ўтган даврида 123 минг 252 нафари тиббий қўриқдан ўтказилган. Уларнинг 24 минг 281 нафарида соматик касалликлар аниқланган бўлиб, 22 минг 688 нафари амбулатор-стационар шaroитда соғломлаштирилган. Айни чоғда вилоят бўйича 701 минг 565 нафар қиз бола бўлиб, уларнинг 41 минг 539 нафари тиббий қўриқдан ўтказилган.

Ўрганиш давомида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида оналар ва болалар ўлими, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар скрининги, ирсий касалликларни эрта аниқлаш, болалар ўлими ва тумна ногиронликнинг олдини олиш чораларини қўриш йўналишида қилинган ишлар ҳам таҳлилдан ўтказилди.

Ишчи гуруҳ томонидан оналар ўлими сабаблари жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларида кўрсатилган тиббий хизмат сифати ҳамда

туғуруқ жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар скрининги ҳолати, ирсий касалликларни эрта аниқлаш бўйича бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ва туғуруқ бўлимида яратилган шaroитлар, скрининг ўтказиш бўйича реактивлар билан таъминланиш ҳолати таҳлил қилинди. Неонатал скрининг бўйича реактивлар билан таъминланмагани боис вилоятда 2023 йил сентябрдан шу йил 1 мартга қадар туғилган 270 минг 322 нафар чақалоқда неонатал скрининг ўтказилмаган.

Ўрганишлар давомида сенаторлар томонидан аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ишчи гуруҳининг мазкур йўналишдаги ўрганишлари Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўтказилиши, ўрганишга натижаси эса Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

БИТИРУВЧИЛАР БИЛАН
УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси Баҳодир Тожиев хоразмлик ёшлар билан учрашув ўтказди.

Унда сенаторлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури мазмун-моҳияти, ёшлар тадбиркорлиги учун яратилаётган кенг имкониятлар, бу борада юртимизда олиб борилаётган амалий ишлар, ислохотлар, устувор вазифалар ҳамда қонунчиликдаги ангиликлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, мулоқот давомида битирувчи ёшларни келажақда муносиб иш билан таъминлаш масаласи эътибор марказида бўлди. Хусусан, тадбирда иштирок этган юртимизнинг энг фаол тадбиркорлари томонидан ёшлар бандлигини таъминлашда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва деҳқончилик қилиш учун ер ажратиш, томоқрада лимончилик, пар-

рандачилик, қўвнчилик, асаларичилик қилишлари учун шaroит яратиш энг самарали усуллардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мутахассислар томонидан деҳқончилик билан шуғулланиш истаги бўлган ёшларга ерларни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дархаллар экиш ҳамда улар томонидан етиштирилган махсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш, шу жумладан, уларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тўғрисида тушуниришлар берилди.

Бундан ташқари, учрашувда қатнашган иш берувчи ташкилотлар раҳбарлари томонидан битирувчи ёшларга қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа йўналишлар бўйича иш ўринлари таклиф этилди.

«Халқ сўзи».

Эшитув

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ
МАСЪУЛИЯТИ БОР

Кейинги йилларда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, барча даражада сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратилмоқда. Янги тахрирдаги Конституциянинг 50-моддасида "Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади" деган норманинг киритилиши инклюзив таълимга конституциявий даражада аҳамият қаратиш лозимлигини яна бир бор кўрсатди.



Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларнинг тўртинчи мақсади Умулқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантиришнинг 4.5 вазифасида таълим муассасалари шaroитларини имконияти чекланган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда яхшилаш орқали ногиронлиги борлар учун барча даражада таълим ва касбий-техник тайёрлардан тенг фойдаланиш имкониятини, барча учун хавфсиз ва самарали ўқитиш муҳитини таъминлаш белгиланган.

Президентимиз раислигида шу йил 20 февраль куни бўлиб ўтган ижтимоий химоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим вазифалар белгилаб берилганди.

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари мазкур вазифаларнинг ижросини назорат қилиш мақсадида ўз сайлов округларидаги махсус мактаб-гача таълим ташкилотларида бўлиб, ушбу тоифадаги ёшлар учун яратилган шарт-шaroитларини ўрганди.

Ушбу ўрганиш якунларидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 4-мақсади 4.5-вазифасининг бажарилиши юзасидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ахбороти эътиҳилди.

Вазирлик ахборотида кўра, бугунги кунда республикамиз бўйича алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари 90 та бўлиб, уларда 21 минг 447 нафар бола таълим олмақда. Шунингдек, санаторий туридаги 22 та мактаб-интернатда 5 минг 804 нафар ўқувчи, 24 минг 196 нафар имконияти чекланган ўқувчи эса умумтаълим мактабларида тахсил олаётди.

Шунингдек, кўзи оғир ва заиф қўрувчи ўқувчилар учун 17 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интер-

нетларда 2 минг 941 нафар ўқувчи таълим оляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 18 апрелдаги тегишли қарори билан ушбу тоифадаги болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар Ички ишлар вазирлигига бириктириб берилди.

Мунозаралар давомида депутатлар вазирлик томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни алоҳида эътироф этиб, имконияти чекланган болаларни ўқув дарсликлари билан таъминлаш бўйича қандай чоралар қўрилаётгани билан қизиқди.

Маълум қилинишича, вазирлик томонидан ушбу тоифадаги мактаблар учун 2022/2023 ўқув йилида 28 номдаги 26 936, 2023/2024 ўқув йилида эса 27 номдаги 42 131 нусхада Брайль ёзувидаги дарсликлар чоп этилиб, жойларга етказиб берилган. Ногиронлиги бўлганларни қўллаб-қувватлаш ва уларга психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида 13 номдаги методик қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, 2022/2023 йиллар давомида республикадаги барча "Нурли маскан" мактаб-интернатлари Брайлда чоп этилган мини-принтерлар билан тўлиқ таъминланган. Барча муассасалар компьютерларига кўзи оғир болаларни қўллаб-қувватлаш учун ўзбек тилидаги нутқ синтезаторлари дастури ўрнатилган.

2024 йилда эса инклюзив таълимни босқичма-босқич ривожлантириб боришни давом эттириш ва бу турдаги мактаблар сонини 2024/2025 ўқув йилида 600 тага, улардаги ўқувчилар сонини 1000 нафарга етказиш мақсад қилинган.

Йиғилишда депутатлар вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳолаш билан бирга, қўшимча аъзоларнинг жойлардаги ўрганишлари давомида инклюзив синфлари бор мактабларда махсус педагоглар ҳамда дефектология бўлими мутахассислар етишмаслигини қайд этди.

Савол-жавоблар давомида инклюзив синфлар очилаётган мактабларга махсус педагогларни жалб этиш, худудлардаги олийгоҳларда дефектология факультетлари тармоғини кенгайтириш, педагогларга қўшимча мутахассислик бўйича маълумот бериб, катталарни шу соҳада қўлайлиги бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Яқинда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДИПЛОМАТИК ЭТИКАДАН САБОҚЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенати ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари учун "Дипломатик этика асослари" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Тадбир

Тадбир Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси томонидан Ташқи ишлар вазирли-

ги билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Семинар-тренингда Ёшлар парламенти фаолиятида иштирок этиш орқали йигит-қизларнинг ижтимоий фаоллигини, фуқаролик онгини юксалтириш ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири экани таъкидланди.

Бугун Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда фаол бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Улар таълим, инновациялар, ахборот технологиялари, туризм, волонтерлик, гендер тенглик каби йўналишларда тадбирларни уюштириш, дастурлар ҳамда лой

«ЯШИЛ ИПАК ЙЎЛИ» ТАШАББУСИ

ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЭКОЛОГИК ТОЗА ЭНЕРГЕТИКА ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ САЎЙ-ХАРАКАТЛАРГА ҲАМОҲАНГДИР

Бир қарашда атрофимизни ўраб турган турфа оламдаги бебаҳо неъматлар чек-чегарасиз, поёнсиздек туюлади. Аслида эса бу дунёда ҳамма нарса ўлчовли. Муқаддас китобларда ҳам табиат инъомларидан фойдаланишда тежамкор бўлиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик қайта-қайта таъкидлаб ўтилган. Шу боис ҳар биримиз сув, ҳаво, атроф-муҳит, ўсимлик, ҳайвонот олами, дарёю жилғалар, ер ва ер ости бойликлариغا меҳр билан ва тежамкор муносабатда бўлишимиз шарт.

Кейинги пайтда дунёда саноят инқилоби бўй кўрсатиб, иқтисодиётда улкан ўзгаришлар юз берди. Аммо бу эврилиш ер ости бойликлари аёвсиз қазиб олиш, ҳавога муттасил зарарли газлар чиқариш эвазига амалга оширилди. Тан олиш керак, табиат ҳар бир "озор" учун товон талаб қилиши бор гап. Глобал иқлим ўзгариши, чанг-қум бўронлари, сув танқислиги каби улкан муаммолар гирдобиди қолаётганимиз инсониятнинг хатолари учун тўлаётган "товони", десак, сира муболаға бўлмайди.

Муқобил энергия

Инсон ва табиат уйғунлиги йўлида

Ҳаётимизга ва тараққиётга раҳна солаётган экологик муаммолар сайёрамизнинг тақдирини ўйлайдиган ҳар қандай инсонни ташвишлантирмай қўймайди. Шундан келиб чиқиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан глобал экологик муаммоларга қарши курашиш ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жihatдан, юртимизда халқимиз томонидан ҳамжамиятлик билан бажарилаётган "Яшил макон" умумийлиги дастури ҳам халқроқ микёсда эътироз этилаётди.

Табиати асраш борасида Ўзбекистон халқроқ шериклар билан кенг микёсдаги ҳамкорликни йўлга қўйгани қувонарли, албатта. Улардан бири — ХХРнинг "Яшил ипак йўли" ташаббусидир. Президентимиз 2023 йилнинг 18 октябр кунин Пекин шаҳрида ўтказилган "Инсон ва табиат уйғунлиги йўлида "Яшил ипак йўли"ни биргаликда барпо этиш" мавзусидаги ялпи йиғилишида иштирок этиб, муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. "Яшил ипак йўли" ташаббуси моҳияти умумий "яшил" келажак кун тартибини шакллантиради. ХХР Раиси Си Цзиньпин томонидан илк бор 2016 йилда айнан бизнинг мамлакатимизда илгари сурилган ушбу ташаббусни Ўзбекистон ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Минтақамиздаги аномал об-ҳаво шароитлари, тез-тез юз бераётган курғоқчилик ва чанг бўронлари, ерларнинг шиддат билан деградатация учраши ва чўлланиши, биохилмаҳилликнинг йўқолиши кўринишида намоен бўлаётган мураккаб экологик вазият тўғрисида Марказий Осиё ҳақондаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бирига айланган.

"Яшил ипак йўли" Хитойнинг "Макон ва йўл" лойиҳасини экологик жиҳатдан ҳам янада самаралироқ қилишга йўналтирилган. Мазкур лойиҳа атмосферага чиқиндилар ташлашни камайтириш, ифлосланишни қисқартириш ва биохилмаҳилликни ҳимоялаш, айни пайтда иштирокчи давлатлар учун иқтисодий имкониятларни яхшилаш мақсадларини қамраб олган. Ташаббуснинг қатор аҳамиятли жиҳатлари бор. Биринчидан, у башариётнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади. "Яшил ипак йўли"ни БМТнинг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибиди экологик масалаларни ечиш борасидаги самарали ечимлардан бири сифатида қўриш мумкин.

Иккинчидан, ташаббус орқали ривожланаётган мамлакатларга экология ва табиати асраш борасидаги интилошларига молиявий кўмак берилиши мумкин. Ҳозирги кунгача 40 дан зиёд халқроқ молиявий институтларнинг "Яшил ипак йўли" ташаббусига қўшилгани бунинг исботидир. 2019 йили мулоқотлар, алмашинувлар, қўшма тадқиқотлар ўтказиш, салоҳиятини ошириш мақсадларида иштирок этиш учун "Макон ва йўл"нинг "Яшил тараққиёт" халқроқ коалицияси тузилди. Ушундан бўён у 40 дан зиёд мамлакатлардан 15 дан ортик хитойлик ва хорижий шерикларни ўзига жалб этди, халқроқ ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватловга эга бўлди.

Куёш нури ва шамол — беминнат энергия манбаи

Сўнгги беш йилда Хитой дунёда энг кўп куёш ва шамол энергияси тизими-ни йўлга қўйган мамлакатга айланди.

Бундан ташқари, мамлакат куруқлик ва денгиздаги шамол энергетик қудратини оширишдаги етакчилик позициясини мустаҳкамлашда давом этмоқда. Хитой экологик тоза энергияга сармоя киритаётган энг йирик давлат ва қайта тикланувчи энергиянинг энг йирик бозори ҳам саналади. 2013 йилдан бошлаб қайта тикланувчи энергияга критилган Чин сармоялари ҳажми 53,3 миллиарддан 125 миллиард долларгача ўсди. Тахлилчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2040 йилгача Хитой ҳақонда қайта тикланувчи энергиянинг ҳар тўрт гигаваттдан бирини ишлаб чиқаради.

Ўзбекистонда ҳам бундан беш йил муқаддам қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш бўйича жуда катта мақсад ва вазифалар қўйилиб, амалий ишлар бошланган. Соҳани ислоҳ этиш, биринчи гада, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг етакчи экспертлари билан маслаҳат қилишдан бошланди. Бир қатор кунун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва янги қарорларни қабул қилиш орқали энергетика тармоғида бозор ташаббуслари асосланган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Соҳада маъмурий-бўйруқбозлик механизми ва монополиядан воз кечилиб, замонавий бошқариладиган очик ва шаффоф тизимга ўтилди. Хусусий сектор ва хорижий компанияларнинг кириб келиши учун қулай имкониятлар яратилди. Натижанда чет эллик инвесторларнинг юртимизга бўлган қизиқиши ва ишончи кескин ошди. Илк бор 100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан Кармана ва Нуробод туманларида 2 та куёш фотозлектр станцияси ишга туширилиб, шу кунга қадар 1 млрд. кВт-соат "яшил" электр энергияси ишлаб чиқарилди.



Қайта тикланувчи энергия бўйича стратегик шериклар кўпаймоқда

2023 йилнинг 27 декабрида эса мамлакатимиз тарихида яна бир ёрқин саҳифа очадиган муҳим ҳодиса — умумий қуввати 2 400 мегаватт бўлган олтинчи йирик куёш ҳамда шамол электр станциялари тармоққа уланди. Жумладан, Ўзбекистоннинг яқин ҳамқори Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar" компанияси томонидан Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида учта куёш фотозлектр станциясининг биринчи босқичи барпо этилди. Бундан ташқари, ушбу компания томонидан Тонди туманида тикланаётган замонавий шамол станциясининг бир қисми ишга туширилмоқда. "Gezhouba" компанияси билан эса Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги куёш станцияларининг дастлабки 400 мегаваттлик генерацияси бошланади.

Энг эътиборли жиҳати, ушбу лойиҳалар давлат-хусусий шериклик асосида, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилди. Умумий қиймати 2 млрд. долларлик бу лойиҳалар ҳисобидан йилга 6 млрд. кВт-соат электр ишлаб чиқарилади, 2 млрд. куб метр табиий газ тежаллади. Икки миллион хонадон узлуксиз ва кафолатли электр энергияси билан таъминланади. Саноят ва хизматлар соҳасида 4 млрд. долларлик қўшилган қиймат яратилади.

Бизнинг стратегик шерикимиз ва йирик савдо ҳамқоримиз бўлган Хитой иштирокидаги лойиҳалар илгари тажрибада кузатилмаган жуда қисқа муддатда — 9 ой ичида ишга туширилди. Жаҳонда ишлаб чиқариш занжири ва логистика билан боғлиқ муаммолар қанчалик мураккаб эканига қарамасдан, бу борада "Goldwind", "Sungrow", "Jolywood",

"Longi" каби компаниялар билан самарали иш олиб борилди. Хисоб-китобларга кўра, келгуси олти йилда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 миллиард киловатт-соатга ўсиши кўтилмоқда. Бунинг биринчи гада, қайта тикланадиган энергия ҳисобидан қоплаш мумкин. Бошқа томондан, Ўзбекистон глобал муаммога айланган иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тинимсиз изланишда бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз "Яшил ипак йўли" доирасида кенг қўламли халқроқ ҳамқорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Шу муносабат билан Ўзбекистон етакчиси Хитой ҳамда иштирокчилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашди.

Президентимиз "Марказий Осиёнинг "яшил" кун тартиби" ва "Яшил ипак йўли" концептуал ташаббусларини ўзаро боғлаш доирасида иқтисодиёт тармоқларини "яшил" тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, "яшил" саноят қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ва "ақли" қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш чоралари ва лойиҳаларини ўз ичига олган "Яшил" тараққиёт дастурини ишлаб чиқишни тақдир этди. "Яшил ипак йўли"ни барпо қилиш йўлидаги яна бир муҳим вазифа "яшил" ишлаб чиқариш занжирлари ва инновацияларни ривожлантиришдир. Хитойнинг етакчи компаниялари билан биргаликда ва бошқа хорижий ҳамқорларни жалб этган ҳолда, "яшил" технологияларни кенг жорий қилиш асосида саноят соҳасида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш учун Оролбўйи минтақасида Ўзбекистон махсус намунаий технология паркни ташкил этишга тайёрлигини ҳам билдирмоқда.

Мамлакатимизда 7 миллиондан ортик уй-хўйлар борлигини ҳисобга олсан, бу инвесторлар учун катта бозор, демакди. Ҳозирги кунда глобал микёсда "яшил" энергиядан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга алоҳида устулик берилаётди. "Яшил энергия" сертификатини кенг жорий қилинмоқда. Ўзбекистон келгусида аниқ ҳақ ва қатъий саъй-ҳаракатлар орқали "яшил" энергияни Осиё ва Европа мамлакатлари бозорига ҳам

Асосийси, давлатимиз раҳбари кам углеродли иқтисодиёт ва "тоза" технологияларни ривожлантириш, шунингдек, минтақа мамлакатларида юқори экологик стандартларни жорий қилиш мақсадида Ўзбекистонда "Яшил молиялаштириш" жамғармасини тасис этиш тақдирини илгари сурдики, бу ҳам юртимизда "яшил" иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилади. Умуман олганда, "Яшил ипак йўли" ташаббуси ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг унинг доирасида билдирган ғоя ва тақдирлари инсониятнинг "яшил" келажакини барпо этиш йўлида муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши билан аҳамиятлидир.

етказиб бериш бўйича дастлабки қадамларни ташлаяпти. Шунингдек, ҳозирги кунда юртимизда 9 гигаваттлик 22 та куёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳалари устида жадал ишланяпти. Шу билан бирга, янги генерация қувватларини етказиш учун инфратузилмани янада яхшилашга алоҳида ургу берилаётди. Келгуси беш йилда жами 70 минг километр паст кучланишли электр тармоқлари, 22 минг дон трансформатор, 100 дан ортик подстанциялар тўлиқ янгиланади. Шунингдек, 10 минг километр юқори кучланишли янги магистраль тармоқлар барпо этилади. Бу каби истиқболли лойиҳалар, албатта, хорижий инвесторлар билан биргаликда амалга оширилади.

Кам углеродли иқтисодиёт ва

«Яшил» технологиялар

Ташкиллаш жонзки, Марказий Осиёда "яшил" тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва саъй-ҳаракатларни бириштириш учун Ўзбекистон раҳбари 2024 йилда Самарқанд халқроқ иқлим форумини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу форум барқарор ривожланиш йўлидаги глобал ҳавф-хатарларга жавоб топиш мақсадида бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз "Яшил ипак йўли" доирасида кенг қўламли халқроқ ҳамқорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Шу муносабат билан Ўзбекистон етакчиси Хитой ҳамда иштирокчилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашди.

Президентимиз "Марказий Осиёнинг "яшил" кун тартиби" ва "Яшил ипак йўли" концептуал ташаббусларини ўзаро боғлаш доирасида иқтисодиёт тармоқларини "яшил" тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, "яшил" саноят қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ва "ақли" қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш чоралари ва лойиҳаларини ўз ичига олган "Яшил" тараққиёт дастурини ишлаб чиқишни тақдир этди. "Яшил ипак йўли"ни барпо қилиш йўлидаги яна бир муҳим вазифа "яшил" ишлаб чиқариш занжирлари ва инновацияларни ривожлантиришдир. Хитойнинг етакчи компаниялари билан биргаликда ва бошқа хорижий ҳамқорларни жалб этган ҳолда, "яшил" технологияларни кенг жорий қилиш асосида саноят соҳасида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш учун Оролбўйи минтақасида Ўзбекистон махсус намунаий технология паркни ташкил этишга тайёрлигини ҳам билдирмоқда.

Мухсин ҲОЖИЕВ,
Гулистон давлат университети ректори,
техника фанлари доктори, профессор.

«Жаҳон чемпионати — 2026»

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ГОНКОНГГА ҚАРШИ БЕЛЛАШАДИ

Шу кунларда Халқроқ футбол федерацияси (ФИФА) томонидан жаҳоннинг турли ҳудудларида бир қатор расмий мусобақалар уюштирилиши кўзда тутилган. Хусусан, Осиё қитъасида жойлашган мамлакатлар терма жамоалари 2026 йилда АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида ташкил қилинадиган жаҳон чемпионатиға чиқиш учун саралаш ўйинларида иштирок этади.

Сречко Катанец мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам минтақамиз 2-саралаш босқичининг "Е" гуруҳида навбатдаги икки баҳсини Гонконг вакиллариға қарши ўтказишади. Дастлаб 21 март кунин сарфарда тўп сурадиган футболчиларимиз саралашнинг 4-тур доирасида 26 мартда айнан шу рақиблари билан Тошкентда беллашади. Айни пайтда ФИФА рейтингида Ўзбекистон терма жамоаси 66-поғонада қайд этилган, Гонконг футболчилари эса 154-ўриндан жой олган. Икки мамлакат тўптепарлари шу кунгача ўзаро етти марта тўқнаш келишган бўлса, устулик юртимиз футболчилари томонидан эканини кўриш мумкин. Мазкур баҳсларда тўрт галаба ва уч бор дуранг қайд этилган. Яъни вакилларимиз 10 маротаба гол урган, ўз дарвозаларидан уч бора тўп олиб чиқишган. Гарчи гонконгликлар Осиё қитъасида аутсайдер макондаги терма жамоа бўлса ҳам С. Катанец Осиё футбол конфедерациясининг расмий сайтыға берган интервьюсида уларни жиддий рақиб сифатида билишини айтиб ўтган.



2026 FIFA WORLD CUP UNITED STATES CANADA MEXICO

Дарвозабонлар: Уткир Юсупов ("Навбахор"), Абдувоҳид Неъматов ("Насаф"), Ботирали Эргашев ("Нефтчи"); **ҳимоятчилар:** Рустам Ашурматов ("Рубин", Россия), Умар Эшмуродов ("Селангор", Малайзия), Хунсиддин Алиқулов ("Ризеспор", Туркия), Абдулла Абдуллаев ("Хорфакан", БАА), Абдуқодир Хусанов ("Ланс", Франция), Фаррух Сайфиев ("Навбахор"), Ақром Комилов (ОКМК), Зафармурод Абдурахматов ("Насаф"); **ғриҳимоятчилар:** Жалолддин Машарипов ("Истиклол", Эрон), Остон Урунов ("Персеполис", Эрон), Азиз Турғунбоев ("Сиваспор", Туркия), Одижон Ҳамробеков ("Навбахор"), Дийёр Холматов ("Пахтакор"), Аббосбек Файзуллаев (ЦСКА, Россия), Жамшид Искандаров ("Навбахор"), Ҳожимат Эркинов ("Ал Ваҳда", БАА), Отабек Шуқуров ("Қайсериспор", Туркия); **ҳужумчилар:** Элдор Шомуродов ("Кальяри", Италия), Бобир Абдиқолиқов ("Насаф"), Азизбек Амонов ("Хорфакан", БАА).

Гуруҳнинг иккинчи беллашувида Эрон — Туркманистон ўзаро тўқнаш келади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«FIDO-BIZNES» компанияси жамоаси ҳамқорлар ва ҳамкасбларни ажойиб Наврўз айёми билан муборакбод этади!

Ушбу баҳорги янгилашиш байрами барчамизға куёшли ҳамда серфайз кунлар келтириш билан бирға қувонч, омад ва янада ривожланиш бағишласин!

Ташриятта келган қўёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазкўб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета ташрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масуъл. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буёк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.52 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **котибхона** 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Газетанинг ҳақиди маълумотларни оқиб олш учун QR-коддин телефоннинг орқали сканер қилинг.

ISSN 0010-0788